

(1898-йил, Тошкент - 1938-йил, 13-март, Москва)

(1929-йил декабр - 1937-йил сентябр)

Давлат ва сиёсат арбоби. Тошкентнинг Ўкчи маҳалласида мактабдор Икром домла оиласида тугилган. Отасининг мактабида савод чиқарган. Ёшлигидан форс ва араб тилларини пухта эгаллаб, шарқ адабиётини чуқур ўрганган. Тошкент шахрида ўқитувчи (1918-1919), “Изчиллар тўдаси” ва “Чигатойг урунги” аъзоси, Элхон таҳаллуси билан шеърлар ёзган. Наманган, Фаргона, Сирдарё вилоятлари партия ташкилотларида турли лавозимларда фаолият кўрсатган (1919-1921). Туркистон Коммунистлар партияси Марказий Кенгашининг котиби ва ташкилий инструкторлик бўлими мудири (1921-1922). Туркистон Республикасида янги иктисодий сиёсат (НЕП) ни амалга оширилишида ташаббускорлик килган. 1922-1924-йилларда Москвадаги Коммунистик университетда ўқиди. 1925-йил январдан Тошкент вилояти партия комитети котиби. 1925-йил февралдан Ўзбекистон Коммунистлар Партияси Марказий Кенгаши котиби, биринчи котиби (1929-йил декабр - 1937-йил сентябр). 1931-1934-йилларда Бутун иттифок коммунистлар партияси марказий кенгашининг Ўрта Осиё бюроси котиби. Бутун Россия Марказий Ижроия Кўмитаси аъзоси, 1925-1937-йилларда СССР Марказий Ижроия Кўмитаси Президиуми аъзолигига номзод. ЎзССР Марказий Ижроия кўмитаси Президиуми аъзоси (1925-1937).

А. Икромов 1919-1924-йилларда имконияти доирасида ўзбек халқи манфаатлари учун Марказ сиёсатига қарши курашган. У мохир публицист сифатида Ўзбекистонда кишлок хўжалигини, хусусан пахтачиликни ривожлантиришга, маданий қурулишга доир кўплаб назарий мақолалар, илмий асарлар ёзган. Икромов ўз фаолияти давомида Ўрта Осиё бюроси ва Марказнинг кўрсатмаларига амал қилишга мажбур бўлган.

1925-1927-йилларда ўн саккизлар гуруҳи, иногомовчиликка қарши гоявий кураш олиб борган. Ўзбекистонда ер-сув ислохоти, мажбурий жамоатлаштириш, республикада замонавий саноат асосларини қуриш ва бошқа тадбирларга раҳбарлик қилган.

Жадидларни “буржуа миллатчилиги” да айблаган. Икромов гарчи болшевик гоядан чекинмаган бўлса-са, мустабид тузум катагончилари уни аяб ўтирмадилар. 1937-йил сентябрда Тошкентда қамолқа олинди. Советларга қарши “Ўнг троцкийчи блок” деб аталган иш бўйича Москвада суд қилиниб, собик СССРни бўлиб юбориш, жумладан, Ўрта Осиё республикаларини ажратиб олиш, давлат тузумини ағдариш, капитализмни, буржуазия ҳокимиятини тиклашда айбланди ва отиб ташланди.

1957-йил 3-июнда СССР Олий суди ҳарбий коллегияси А. Икромовни айбсиз деб топди ва у оқланди. Икромов хотираси абадийлаштирилиб, Тошкент шахридаги туманга, йирик кўчага, маҳаллалар ва мактабларга унинг номи берилган. Тошкент ва Самарқандда хайкали ўрнатилган.